



# Инфляция динамикаси шарҳи 2022 йил январь



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
Тошкент 2022 йил

## 2022 йил январь оyi якуни бўйича


### ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ НАРХЛАРИ ЎЗГАРИШИ

2022 йил январь ойида асосий истеъмол товар ва хизматлари нархлари ўсиши **0,9 фоизни** (2021 йилда 1 фоиз), йиллик инфляция даражаси эса **9,8 фоизни** ташкил этди.

Январь ойида нархларда ўсувчи динамикани юзага келишига озиқ-овқат маҳсулотларининг **1,3 фоизга** ошиши (умумий инфляцияга таъсири 0,5 фоиз банд) асосий омиллардан бўлди. Бунда, йиллик ҳисобда ушбу гуруҳ маҳсулотлари **13,1 фоизга** қимматлашди.

Озиқ-овқат нархларининг йиллик ўсиши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан пасайган бўлсада, ушбу гуруҳнинг умумий инфляцияга таъсири ҳамон юқорилигича (**5,5 фоиз банд**) сақланиб қолмоқда.

**1-расм. Асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгариши (ўтган ойга нисбатан, фоизда)**



Манба: Давлат статистика қўмитаси

Январь ойида трансчегаравий юк ташишдаги қисқа узилишлар ва қўшни давлатлар томонидан экспорт чекловларининг киритилиши бугдой уни, импорт гўшти ва бошқа айрим товарлар таклифи қисқаришига сабаб бўлди.

Айрим сабзавотларнинг бозордаги таклифи музлаткичлардан савдога чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмининг камайиши ҳисобига қисқарди. Тадбиркорлар томонидан ушбу маҳсулотларни эрта баҳорда қимматроқ нархларда таклиф этиш кутилмоқда.

Ўтган йили кам миқдорда экилган (*сув танқислиги сабабли*) **карам** маҳсулоти нархи қўшни давлатларга фаол тарзда экспорт қилинаётганлиги, шунингдек, **саримсоқ** нархи ошиши маҳаллий маҳсулот таклифи камайганлиги, асосан Эрондан импорт қилиниши ва касаллик тарқалишининг тезлашиши ҳисобига ошмоқда.

Сақлаш харажатлари ва мавсумий таклиф ҳажмининг камайиб бориши фонида **мева** нархлари ўсувчи динамикани акс эттирди.


ҚҚС бўйича берилган имтиёзлар натижасида импорт таклифининг кўпайиши ички бозорларда **парранда гўшти** нархларининг пасайишига хизмат қилмоқда.

Одатда январь ва февраль ойларида бозорларда истеъмол фаоллигининг мавсумий пасайиши кузатилади.


*Январь ойида ноозиқ-овқат товарлари нархининг ўсиши ўтган декабрь ойига нисбатан 0,28 фоиз бандга пасайиб, 0,5 фоизни ташкил қилди.*

**Кийим ва пойафзал** нархларининг ўсиши совуқ мавсумда ушбу товарларга нисбатан эҳтиёжнинг сезиларли даражада ошиши билан изоҳланади.

**2-расм. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси (ойлик, фоизда)**



**3-расм. Хизматлар инфляцияси (ойлик, фоизда)**



*Манба: Давлат статистика қўмитаси*

Қиш ойларида шамоллашга қарши дори воситаларига талабнинг ўсиши маҳсулотлар нархини оширди.

Шунингдек, январда қурилиш материалларидан цемент, ёқилғи маҳсулотларидан бензин ва пропан нархлари арзонлашди.

*Январь ойида хизматлар гуруҳидаги нархлар ўсиши декабрь ойига нисбатан 0,13 фоиз бандга тезлашди ва 0,7 фоизни ташкил этди.*


Пандемия билан боғлиқ вазиятнинг кескинлашиши фонида амбулаторияда даволаш, стационарда даволаш ва тиббиёт лабораториялари хизматлари нархлари сезиларли қимматлашгани кузатилди.

2021 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида кузатилган ёқилғи маҳсулотлари қимматлашишининг таъсири озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликларни етказиб бериш бўйича хизматлар нархи ўсишида акс этиши давом этмоқда.

### **Базавий ва қисқартирилган инфляция**

Январь ойида базавий инфляция<sup>1</sup> **0,6 фоизни** ташкил этиб, йиллик ўсиш даражаси **8,8 фоизга** тенг бўлди. Базавий инфляциянинг умумий инфляцияга оширувчи ҳиссаси **6,6 фоизни** ташкил этиб, 2018 йилдан буён **энг паст** миқдорни қайд этди<sup>1</sup>.

**3-расм. Базавий ва қисқартирилган инфляция динамикаси**



*Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари*

Шунингдек, **қисқартирилган инфляциянинг<sup>2</sup>** йиллик ўсиши **8,3 фоизни** ташкил этиб, умумий ва қисқартирилган инфляция ўртасидаги тафовут декабрь ойидаги кўрсаткичга нисбатан қисқарди ва **1,6 фоиз бандга** тенг бўлди.

<sup>1</sup> **Базавий инфляция** – мавсумий ва маъмурий хусусиятга эга бўлган алоҳида товарлар ва хизматлар нархларининг (мева-сабзавотлар, ёқилғи, йўловчи транспортнинг алоҳида хизматлари, алоқа хизмати, уй-жой коммунал хизматлари ва бошқалар) ўзгаришини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисобланган инфляция.

<sup>2</sup> **Қисқартирилган инфляция** – энг юқори ва энг паст нарх ўсишига эга бўлган 10 та товар (хизматлар) гуруҳларини мос равишда истисно қилган ҳолда ҳисобланган инфляция.